

## Тўртдан бирга ҳақдорлар



11:42 / 03.09.2024 1535

Меросхўрлардан иккитаси тўртдан бирни олади:

1. Эр. Агар эрнинг хотинида хоҳ унинг ўзидан, хоҳ бошқа эридан боласи бўлса ёки боласининг боласи бўлса (қанча пастласа ҳам), эр тўртдан бирни олади. Бунга далил ушбу ояти каримадир:

تَرَكَنَ مِمَّا الرُّبُوعُ فَلَكُمْ وَكَدَّ لَهُنَّ كَانَ فَاِنْ

**«Агар уларнинг боласи бўлса, сизга улар қолдирган нарсанинг чораги»** (Нисо сураси, 12-оят).

2. Хотин. Хотиннинг эрининг боласи бўлмаса ёки боласининг боласи бўлмаса (қанча пастласа ҳам), шу хотин тўртдан бирни олади. Боласи шу хотиндан бўлса ҳам бошқасидан бўлса ҳам фарқи йўқ. Бунга далил ушбу

ояти каримадир:

وَلَدَّكُمْ يَكُنْ لَمْ إِنْ تَرَكْتُمْ مِمَّا الرُّبُوعُ وَلَهُمْ

**«Уларга сиз қолдирган нарсанинг, агар фарзандингиз бўлмаса, чорагидир» (Нисо сураси, 12-оят).**

Мулоҳаза. Якка хотиннинг ёки бир неча хотинларнинг улуши битта бўлиб, ўзгармайди, чунки «Уларга сиз қолдирган нарсанинг, агар фарзандингиз бўлмаса, чорагидир» ояти каримасида «уларга» деб, кўплик сийфасида айтилмоқда. Бошқа томондан қараганда, агар хотинларнинг ҳар бирига тўртдан бир улушни алоҳида-алоҳида берилса, марҳумнинг тўртта хотини бўлса, у қолдирган мероснинг барчаси хотинларидан ортмайди. Шунинг учун хотин битта бўладими, тўртта бўладими, тўртдан бир улушни ўзаро тақсимлаб олишади. Хотинларнинг улуши биттадан ошиқ бўлса ҳам белгиланган улушдан ошмайди.

**«Ислом шариатида мерос илми» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5163-рақамли ҳамда 2022 йил 27 сентябрдаги 03-07/7348-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.